



## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛЛАРИ

**Абдумалик Устаевич Кулдашев**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш  
институту махсус-касбий фанлар  
кафедраси катта ўқитувчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14551754>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 15-Dekabr 2024 yil  
Ma'qullandi: 18- Dekabr 2024 yil  
Nashr qilindi: 24- Dekabr 2024 yil

### KEY WORDS

Мудофаа ва хавфсизлик тузилмалари таълим муассасалари, Ватанга муҳаббат, Ватанпарварлик, Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Нажмиддин Кубро, Ватанни ҳимоя қилиш, маърифат, ёшлар тарбияси, маънавий-ахлоқий тайёргарлик, миллий қадриятлар, ватанни асраб-авайлаш, ижтимоий фаоллик, Ватан тақдири, ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими.

### ABSTRACT

*Ушбу мақола мудофаа ва хавфсизлик тузилмалари таълим муассасаларида ватанпарварлик тушунчаси ва унинг муҳимлигини ёритади. Ватанпарварлик инсоннинг ватанга муҳаббати, уни асраб-авайлаш ва истиқболни таъминлаш йўлидаги ҳаракатларини англатади. Буюк аждодларимиз, шулардан Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний ва Нажмиддин Кубронинг ҳаётлари ва ишлари ватанпарварлик намунасини ташкил этган. Маълумки, ватанпарварлик нафақат жанг майдонида, балки илм ва маърифатда ҳам кўрсатилган. Мақолада ички ишлар органлари ва ҳарбий хизматдаги ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муҳимлиги таъкидланади. Ватанга муҳаббат ва ёшларнинг маънавий-ахлоқий тайёргарлиги уларнинг фаолиятида, шу жумладан Ватанни ҳимоя қилишда ифода топиши керак. Тарихий хотира, миллий қадриятлар ва ижтимоий фаоллик ҳамда ижтимоий-сиёсий мудофаа билан боғлиқ қўплаб муаммоларга эътибор қаратилган.*

Ватанпарварлик инсоннинг ўз Ватанига муҳаббати ва уни асраб-авайлашга бўлган интилишини англатади. Тарихдан маълумки, ота-боболаримиз, улуғ аждодларимиз ва алломаларимиз Ватанга муҳаббат ва садоқатни ифода этиш борасида ажойиб намуналар кўрсатганлар. Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абулайс Самарқандий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий, Каффол Шоший каби буюк мутафаккирларимиз ўз тахаллусларини киндик қони тўкилган юрт билан боғлаб, унинг номини дунёга машҳур қилганлари ҳам барчамиз учун бир ибратдир.

Ватанпарварлик – Ватанни севиш, у билан ғурурланиш, юрти эришган муваффақиятлардан қувониш, унинг истиқболи учун қайғуриш каби ҳис-туйғуларда ёрқин намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ватанпарварлик юртга садоқат билан хизмат қилиш, уни душманлардан ҳимоя

қилиш, тинчликни асраш, унинг озодлиги, мустақиллиги, равнақи ва фаровонлиги учун кураш, миллий манфаатларни ҳимоя қилишда кўрилади. Бу туйғуларни, бевосита мудофаа ва хавфсизлик тузилмалари таълим муассасалари курсант ва тингловчиларида шакллантириш муҳим вазифадир.

Ўтмишдан маълумки, Юртимиз довуғини дунёга таратган буюк аждодимиз, ислом оламида кенг тарқалган Кубровия таълимотининг асосчиси Нажмиддин Кубронинг жасорати Ватанга фидойиликнинг ёрқин мисоли бўла олади. Замонасининг йирик алломаси, минглаб издошларга эга бўлган бу буюк юртдошимиз Ватанига мўғуллар босқинидан хабар топиб, биринчилардан бўлиб унинг ҳимоясига отланган. Буюк аждодимиз Нажмиддин Кубронинг жасорати курсант ва тингловчиларни Ватанга содиқлик билан хизмат қилишга ва ўз касбий ва хизмат бурчларини виждонан бажаришга ундайди.

Биламизки, Ватанпарварлик фақат жанг майдонида намоён бўлмайди. Илму маърифат ривожига беқиёс ҳисса қўшган Имом Бухорий, Маҳмуд Замаҳшарий, Бурхониддин Марғинович каби аждодларимиз ҳаёти биз учун катта ибратдир. Уларнинг барчаси бир неча йиллар давомида турли ўлкаларга бориб, илму маърифат ўрганганлар. Илм-ирфонда муайян даражага етгач, ўз Ватанига қайтиб, ўзларининг билимларидан инсонларни баҳраманд этганлар. Аждодларимизнинг намунавий ҳаёти курсант ва тингловчиларни билим олиш ва унинг қадрига етишга даъват этади.

Демак, Ватанпарварлик бу – ўз Ватани обрў-эътибори, қудрати ва салоҳияти, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаши йўлида билим олиш, ўз касбига садоқат билан хизмат қилишдир. Ватанпарварлик ўз тақдирини Ватан тақдири билан узвий боғлашда ҳам намоён бўлади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этиш ҳам ватанпарварликдир.

Азалдан, Ватанпарварлик халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган фаолиятдир. Ватанпарварлик – Ватан қийинчиликларини шахсий қийинчилик сифатида ҳис этиш. Дарҳақиқат, ким бўлишимиздан қатъи назар, ватанпарварликни сўз билан эмас, эзгу амал, иш билан исбот қилишимиз керак. Соғлом фикрлайдиган инсонда ватанпарварлик бу ўз Ватани манфаати йўлида фидойилик билан хизмат қилишдир.

**«Ватан» – буюк ва муқаддас тушунча.** Уни қанчалик таърифласак, тараннум этсак ҳам кам. Инсон инсон бўлибдики, бу сўзнинг маъносини тушунишга интилади. Буюк аждодларимиз меросига мурожаат қилиш, улар ижодини ўрганиш бу муқаддас тушунчанинг мазмунини янада теранроқ англашга ёрдам беради. Инсон улғайган сари, унинг Ватан ҳақидаги тушунчаси ҳам тобора кенгайиб бораверади. Дарҳақиқат, «Ватан» тушунчасининг қамрови Ватандек кенглиги ҳақида олимларимиз кўплаб асарлар ёзганлар [1].

Ватанга меҳр-муҳаббатли бўлиш – ғоят чидам, ғоят юксак онг талаб этувчи ўзига хос илм ва буни эгаллаш ҳам бешиқдан бошланмоғи ва оқибат сўнгги нафасга қадар давом этмоғи жоиз. Ватанпарварлик Ватанни севмоқликни англатса, бу илмни эгаллаган киши Ватанга жонини атаган комил инсон мартабасига етган бўлади. Ватандан олганимиз – қарзидир, қарзни эса қайтармоқ фарзидир. Биз ҳар биримиз Ватанни севамиз, чунки Ватан – биз нафас олаётган ҳаводир [2].

Шу боис ҳам «Ватанни севмоқ иймондандир», деган ҳикмат бежиз айтилмаган.

Демак, инсоннинг ўзи туғилиб ўсган юрти, ёр-дўстлари ва яқинлари билан боғловчи Ватанини севиши, ардоқлаши иймон ифодасидир. Шундай экан, Ватанга муҳаббат қўйиш, унинг равнақи йўлида куч-ғайрат сарфлаш барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Шуни англаб етган ҳолда ҳамда бугунги таҳликали замонда барчамиз ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ёшларимизга бир ҳақиқатни, Ватанни севишни, қўз қорачиғидай асрашни, ардоқлашни, обод этишни, ҳимоя қилишни ўргатишимиз ва уқтиришимиз ҳар доимгидан ҳам зарурдир.

Ҳолбуки, дунёда содир бўлаётган ноҳуш воқеа ва ҳодисалар ҳамда ҳозирги таҳликали замонда аксарият ёшларимиз касб танлашда ҳам анча эҳтиёткорона муносабатда бўлишаётгани кузатилмоқда. Жумладан, аксарият мамлакатларда Ватанни ҳимоя қилиш мақсадида ҳарбий хизматга боришдан бўйин товлаш, керак бўлса соғлом одам ўзини ногирон қилиш ҳолатлари ҳам ижтимоий тармоқларда кенг кузатилмоқда. Ҳозирги аксарият ёшлар кам ишлаб кўпроқ даромад оладиган касбларни танлашмоқда. Жумладан, ҳарбийлаштирилмаган ўқишларда ўқиш ва ишларга бўлган талаб юқори.

Бироқ, бир ҳақиқатни англаб етишимиз керакки тинч ва фаровон юртдагини сокин ҳаёт, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар хил турдаги жиноий тажовузлардан ҳимоя қилинади ва шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари таъминланади. Бугун Ватанга соғлом авлод, кучли ва билимли ёшлар, ўз касбини тўлиқ эгаллаган, замонавий фан ва техника ютуқларидан фойдалана оладиган ватанпарвар, халқпарвар инсонлар керак. Чунки, ватанпарвар, халқпарвар инсонлар – тинчлик ва осойишталик кафолатидир. Бундай инсонлари бор жамият терроризм, эгоцентризм, экологик муаммоларни бартараф этишга қодир бўлган жамиятдир.

Юртбошимизнинг барча даъватлари халқимизнинг Ватан равнақи масаласида бир тану бир жон бўлиб жипслашиши, ижтимоий фаоллик каби фазилатларимизнинг юксалишига асос бўлмоқда. Шу ўринда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Бизнинг энг асосий ютуғимиз – кўпмиллатли халқимизнинг вужудга келаётган қийинчилик ва синовларни енгишга қодирлиги, уларнинг замонавий дунёқараш, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигининг юксалиб бораётгани, атрофимиздаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, даҳлдорлик туйғуси билан яшаётганидир” – дея таъкидлаган сўзларини эслашимиз ўринли бўлади [3].

Ички ишлар органлари ходимлари халқимиз манфаатларидан келиб чиқиб, унинг ишончига эга бўлишни бош вазифа қилиб олгани учун ҳам Ўзбекистонга қарши қаратилган қуролли, маънавий-информацион таҳдидларга қарши муваффақиятли кураш олиб бормоқда.

Шундай экан, ватанимиз тинчлиги ва осойишталиги таъминлаш мақсадида ҳарбий ёки ички ишлар органлари соҳасини танлаб фаолият олиб бораётган ходимларда ватанпарварлик туйғуларини ошириш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

**Ўзбекистон ёшлари жумладан, ички ишлар органлари ходимларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўллари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:**

- маънавиятини янада юксалтириш учун фан ва технологияларни мукамал

эгаллаш;

- уларда ғоявий иммунитетни шакллантириш;
- маънавий, маърифий ва ахлоқий-психологик тайёргарлик;
- тарихий хотирани мустаҳкамлаш, иймон-эътиқодни кучайтириш;
- ички ишлар органлари ходимлари қасамёдига содиқ бўлиш, фақат ва фақат халқ ва давлат манфаатларига хизмат қилишдан иборат бўлган ўз хизмат бурчини сўзсиз бажариш ватанпарварликнинг намунасидир[4];
- сиёсий-хуқуқий маданиятини ривожлантириш ва ҳ.к.лар.

Шундай ибора бор, «**фанга рағбати бўлмаган халқ келажакдан маҳрумдир**». Ўзбекистон 500 йил олдин фан кашфиётлари билан бутун дунёни ўзига қаратган. Бугун Ўзбекистон ёшлари ана шу аждодларимиз анъанасини давом эттиришлари керак. Ахборот ва касбга доир технологиялар, чет тилларини пухта эгаллаш орқали мақсадга эришиш мумкин. Бунинг учун Ўзбекистонда барча шароитлар яратилмоқда, ҳамма гап ана шу имкониятлардан самарали фойдалана олишимиздадир.

**Глобаллашган дунёда Ўзбекистон ёшларида ғоявий, мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш ҳам долзарб вазифадир.** Ёшлар маънавиятига бугун терроризм – зўрлик мафкураси, оммавий маданият – ахлоқсизлик фалсафаси хуруж қилмоқда. Биз ёшларимизни бузғунчи ғоялар таъсиридан асрашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз онгига миллий урф-одат, анъана, миллий ахлоқий фазилатларимизни сингдириш баробарида умуминсоний қадриятларга содиқликни тарбиялашимиз талаб этилади.

**Маънавий, маърифий ва ахлоқий-психологик тайёргарликнинг асосий мақсади** ходимларни ҳар қандай шароитда давлат ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган, миллий қадриятларга содиқ, умуминсоний қадриятларга таянадиган, ёт ва бузғунчи ғояларга муросасиз курашувчи, иймон-эътиқоди ва иродаси мустаҳкам, маънавиятли ва фидойи, аждодларимиз ва мардлик кўрсатиб ҳалок бўлган ходимларнинг бебаҳо меросига таяниб яшайдиган баркамол шахс сифатида тарбиялаш, улар қалбида давлат ва халқимизнинг хавфсизлигини таъминлашда шахсий даҳлдорлик ва юқори масъулият ҳисси ҳақида касбий билимларни беришдан иборат.

**Тарихий хотирани мустаҳкамламасдан туриб,** ёшлар маънавиятини юксалтириб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатяпти. Зеро, Ўзбекистон тарихи – ўзбек халқи маънавиятининг илдизидир. Тарихни билмаслик, унга беписанд муносабатда бўлиш ўзликни унутиш билан баробардир. Манқуртлик, оммавий маданият, ксенофобия, неофашизм каби ҳодисаларнинг замирида ҳам аслида тарихни билмаслик ётибди. Биз ёшларимизга тарихдан сабоқ чиқариб, келажакка қараб яшашни ўргатишимиз керак.

Халқнинг асл фарзандлари Ватан туйғуси билан яшаб ўтганлар. Ватан озодлиги, мустақиллиги йўлида курашган, уни куйлаган, унинг ишқи билан ёнган ана шундай мўътабар инсонлар маърифатпарвар жадидлар эди. Улар учун Ватан онадек муқаддас, иймон қадар юксак эди. Шунинг учун ҳам улар Ватанни «қиблагоҳ», «саждагоҳ» деб атаганлар.

Абдурауф Фитрат: «Ватан – у менинг жону таним, саждагоҳимдир. У менинг тўлин ойим, тинч-омонлигим, иззатим, шарафим, каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдир»,

дейди.

Ички ишлар органлари ходимларининг юртга садоқат билан хизмат қилиш борасида қабул қиладиган **қасамёдларига содиқ** қолишларини уларнинг юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшашининг амалий ифодаси сифатида баҳолаш керак.

Қасамёдга содиқлик туйғуларини шакллантириш масаласи тобора катта аҳамият касб этмоқда. **Қасамёдга садоқат деганда**, ходимнинг ўз халқига, юртига содиқ, самимийлик билан хизмат қилиши назарда тутилади.

Ўз юртига садоқатли ходим шахсий манфаатини эл-юрт манфаатларидан устун қўймайди. Юрт тинчлиги, осойишталиги, тараққиёти ва фаровонлиги йўлида билим ҳамда салоҳиятини сафарбар этади. Элим деб, халқим деб қайғуради, керак бўлса, бу йўлда жонини фидо қилишга ҳам тайёр туради. Хусрав Деҳлавийнинг:

*Олтин-кумуш ҳадя этувчи мардлар кўп,*

*Жонни фидо этувчилар марддир – мард,*

деган мисраларида ана шундай фидойилик улуғланган.

Ушбу вазифаларнинг мазмунига эътибор берилса, асосий муаммо инсон онги ва шуурига бориб тақалиши аён бўлади. Ўзлигини англаган, тарихий хотираси бутун, мустақил фикрлайдиган инсон Ватанига сотқинлик қилмайди, балки унинг манфаатини ҳар нарсадан улуғ тутиб, Ватани учун жон беришга тайёр бўлади. Ана шундай фуқаролари бор давлатнинг хавфсизлиги кафолатланган, келажаги эса буюк бўлади.

Демак, биз ички ва ташқи хавфсизликни таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан фахрланишимиз, ғурурланишимиз баробарида, бу соҳадаги камчилик ва нуқсонларни енгиб ўтишимиз, назария ва амалиёт бирлигини таъминлашга масъуллигимизни унутмаслигимиз лозим бўлади.

Юқоридагиларга таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасаларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига етук мутахассис кадрлар тайёрланади. Агар ички ишлар органлари ходими яхши мутахассис бўлса-ю, унда ватанпарварлик ёки миллий ғурур сингари инсон учун аҳамиятга эга фазилатлар бўлмаса, бундай ходимлар билан биз олдимизга қўйган мақсадларимизга эриша олмаймиз. Шунинг учун Ўзбекистон ёшларини Ватанга муҳаббат руҳида, ота-боболаримизнинг жасоратидан ибрат олиб, она юртимизни асраб-авайлаш эътиқоди билан яшашга, дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бепарво ва лоқайд бўлмасликка, халқ ва Ватан тақдирига даҳлдорлик туйғуси билан яшашга, Ватанни ҳимоя қилиш, садоқатли, адолатли, ҳалол бўлиш, халққа хизмат қилиш руҳида тарбиялашни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиб бориш олдимизда турган энг долзарб вазифалардандир.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Очилдиев А. Ватанпарварлик. – Т., 2008.
2. Тоҳир Малик. Танланган асарлар: Энг кичик жиноят. Т.7. – Т., 2008. – Б.198.
3. O'zLiDeP сайти. 2016 йил 19 октябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон Қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.01.2023 й., 07/23/10/0043-сон; 22.08.2023 й., 07/23/282/0631-сон.